

“KAPITAL MULK” СУҒУРТА МАҲСУЛОТИ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАРГА ТЕГИШЛИ МОЛ-МУЛКНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу Оммавий Оферта (кейинги ўринларда “Оферта” деб юритилади) “KAPITAL SUG'URTA” акциядорлик жамияти томонидан жисмоний шахсларнинг чекланмаган доирасига уларга тегишли мол-мулкларини “KAPITAL MULK” суғурта маҳсулоти бўйича Офертада кўрсатилган шартларда Суғурталовчининг расмий веб-сайти ёки Интернет хизмати (автоматлаштирилган ахборот тизими, мобил иловаси) орқали суғурталаш шартномасини тузиш учун йўналтирилган таклифидир.

Мазкур Оферта суғурта полисини расмийлаштириш санасида амалда бўлган “KAPITAL MULK” суғурта маҳсулоти бўйича фуқароларга тегишли мол-мулкни суғурта қилиш Қоидалари (кейинги ўринларда “суғурта Қоидалари” деб юритилади) билан тартибга солинади. Суғурта Қоидалари ва ушбу Оферта www.kapitalsugurta.uz расмий веб-сайтида ва Суғурталовчининг Интернет хизматларида мавжуд.

Ушбу Оферта шартларини қабул қилиш ва белгиланган суғурта мукофотини тўлаш, оферта шартларининг акцепти ва Суғурта қилдирувчининг “KAPITAL MULK” суғурта маҳсулоти бўйича суғурта шартномасини тузишга розилиги ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқлангач, унга “KAPITAL MULK” электрон суғурта полиси юборилади ва суғурта шартномаси тузилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ, ушбу Офертани сўзсиз қабул қилиш (акцептлаш) оммавий оферта шартларини қабул қилиш ҳисобланади, бу эса Суғурта қилдирувчининг:

- Офертада кўрсатилган суғурта шартларига розилигини;
- суғурта полисини шакллантириш учун тақдим этилган шахсга доир маълумотларга ишлов беришга, шу жумладан тизимлаштириш, сақлаш, фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатишга, 5 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида маълумотларни автоматлаштирилган ёки автоматлаштириш воситаларидан фойдаланмаган ҳолда ишлов бериш йўли билан узатишга, шунингдек, ички ҳужжат айланишини таъминлаш бўйича суғурта шартларига кўра ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун уларни учинчи шахсларга ўтказишга розилигини ифодалайди;
- суғурталанаётган кўчмас мулк: яшаш учун яроқсиз; бузиш, қурилиши тугалланмаган, қайта қуриш ёки капитал таъмирга муҳтож; конструктив қисмлари ёки муҳандислик-техник ускуналари авария ҳолатида; мулк таъмирлаш ва пардозлаш босқичида; ёғоч деворлар ва/ёки шифтларга эга; ернинг ўпирилиши, чўкиши, кўчки, сув тошқини ёки бошқа табиий офатлар хавфи остида, шунингдек, уруш зонасида; тижорат мақсадида фойдаланилаётган кўчмас мулк; нотурар жой эмаслигини тасдиқлайди.

Агар суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган бўлса, шунингдек, Суғурталовчи томонидан акцептни бекор қилиш тўғрисидаги билдиришнома акцептга қадар ёки у билан бир вақтда олинган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади.

“Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” атамалари бундан кейин матнда ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

ОММАВИЙ ОФЕРТА
ШАРТЛАРИ АСОСИДА ТУЗИЛГАН "KAPITAL MULK"
СУҒУРТА МАҲСУЛОТИ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАРГА ТЕГИШЛИ МОЛ-МУЛКНИ
СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИНИНГ (СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ)
АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1- БЎЛИМ. АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФИ

1.1. Ушбу Офертада қўлланилган асосий атамалар ва тушунчалар:

Суғурталовчи - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан берилган лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширувчи “KAPITAL SUG’URTA” акциядорлик жамияти.

Суғурта қилдирувчи – ушбу Оферта ва суғурта Қоидалари шартларига мос равишда Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахс.

Наф олувчи – Суғурта қилдирувчи томонидан тайинланган, суғурта Қоидалари шартларига мувофиқ мулкрий манфаатларга эга, суғурта товонини олишга ҳақли бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Учинчи шахслар – Суғурта қилдирувчи ва (ёки) Наф олувчидан бошқа ҳар қандай шахслар.

“KAPITAL MULK” суғурта маҳсулоти бўйича фуқароларга тегишли мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси (кейинчалик "Суғурта шартномаси" деб юритилади) - Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида ёзма ёки электрон шаклда тузилган келишув бўлиб, унга кўра Суғурталовчи биринчи суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта товонини тўлаб бериш, Суғурта қилдирувчи эса Суғурта шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади.

Суғурта Қоидалари – Суғурталовчи томонидан тасдиқланган, Суғурталовчининг офисларида кўриб чиқиш, шунингдек www.kapitalsugurta.uz расмий веб-сайтида ёки интернет хизматларидан юклаб олиш ёки QR-кодни сканерлаш орқали кўриб чиқиш учун мавжуд бўлган суғурта шартлари бўлиб, суғурта шартномаси унга мувофиқ тузилади. Суғурта Қоидалари ва ушбу Оферта шартларига кўра, суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига унинг онлайн Ариза-сўровномаси ёки оғзаки аризаси асосида суғурта полисини топшириш (юбориш) йўли билан тузилади.

Суғурта полиси (кейинчалик “Полис”) – Суғурталовчи томонидан ёзма (қоғоз) шаклда топширилган ёки электрон шаклда юборилган, суғурта Қоидалари ва Офертада кўрсатилган шартлар бўйича Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полиси фақат унда кўрсатилган суғурта муддати учун амал қилади ва шартлашилган суғурта мукофоти ўз вақтида тўланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

Суғурта таваккалчилиги – суғурта шартномасини тузишга омил бўлган, юз бериши мумкин бўлган эҳтимоллий ҳодиса. Суғурта таваккалчилиги сифатида назарда тутилаётган ҳодиса эҳтимоллик ва тасодиғийлик аломатларига эга бўлиши шарт.

Суғурта воқеаси – суғурта муддатида ва суғурта ҳудудида юз бериб, суғурта ҳодисаси аломатларига эга бўлган воқеа.

Суғурта ҳодисаси – ушбу Офертанинг 3.2.-бандида назарда тутилган, суғурта ҳудудида ва суғурта муддати мобайнида биринчи марта юз берган, Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига ёки ваколатли бошқа шахсга (Наф олувчига) суғурта товонини тўлаб бериш мажбуриятини юзага келтирувчи воқеа.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Офертада белгиланган тартиб ва муддатларда Суғурталовчига тўланиши лозим бўлган суғурта учун тўлов.

Суғурта пули – Полисда кўрсатилган, суғурта муддатида рўй берган “Биринчи суғурта ҳодисаси бўйича” суғурта товонининг чегаравий миқдори. Мазкур Оферта шартларига кўра, суғурта товони тўлови суғурта пулининг суғурта қийматига нисбатини ҳисобга олмаган ҳолда полис бўйича суғурта пули (товон лимити) доирасида амалга оширилади.

Товон лимити – суғурталанган мулкнинг ҳаммасига ёки бир қисмига, маълум бир суғурта таваккалчилиги бўйича полисининг умумий амал қилиш муддатида рўй берган, “Биринчи суғурта ҳодисаси бўйича” қоплаб бериш назарда тутилган суғурта товонининг чекланган миқдор суммаси.

Шартсиз франшиза – Суғурталовчи томонидан қоплаб берилмайдиган Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) зарарининг қисми. Франшиза суммаси суғурта ҳодисаси натижасида етказилган зарар суммасидан чегириб ташланади. Шу билан бирга, агар, етказилган зарар суммаси товон лимитидан кўп бўлса, франшиза суғурта пулидан чегириб ташланади.

Суғурта муддати – суғурта ҳимоясининг амал қилиш даври. Суғурталовчи полисда кўрсатилган суғурта муддати ичида юз берган биринчи суғурта ҳодисаси бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Суғурта товони – Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи ёки уни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга (Наф олувчига) суғурта шартномасида (Полисда) кўрсатилган суғурта ҳодисалари ва белгиланган суғурта пули (товон лимитлари) доирасида зарарни қоплаш учун тўланадиган пул маблағлари суммаси.

Зарар – Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи)нинг зарар кўрган мулкни қайта тиклаши учун сарфлашлари лозим бўладиган харажатлари.

Суғурталанган мулк – давлат рўйхатидан ўтказилган, кадастр паспортида кўрсатилган, суғурта ҳудудида жойлашган ва полисда кўрсатилган кўчмас мулк, шунингдек кўчмас мулк ҳудудида жойлашган кўчар мулк (мебель, маиший техника).

Мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши) – мулкнинг шундай шикастланиши бўлиб, уни қайта тиклаш харажатлари суғурталанган мулкнинг ҳақиқий қийматига тенг ёки ундан ортиқ бўлади.

Мулкнинг шикастланиши – суғурталанган мулк ва (ёки) унинг элементларининг суғурта ҳодисаси натижасида тасодифан жисмоний шикастланиши.

Суғурта ҳудуди – Суғурталанган мулк жойлашган ва Полис амал қиладиган ҳудуд. Мулк фақат полисда белгиланган ҳудуддагина суғурталанган деб ҳисобланади.

Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома – суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тасдиқловчи ва суғурта товони миқдорини белгилаб берадиган Суғурталовчи томонидан тузиладиган ҳужжат. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома Суғурталовчининг ваколатли шахслари, Суғурта қилдирувчи, шунингдек суғурта товонини олишга ҳақли бошқа шахслар томонидан имзоланиши мумкин.

Мурожаат – Суғурта қилдирувчи ёки суғурта товонини олишга ҳақли бошқа шахснинг (Наф олувчининг) Суғурталовчига юз берган суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарарга таъсир этган ҳолатлар ва сабабларни ёритиб берувчи ёзма мурожаати.

1.2. Ушбу Офертада ишлатиладиган махсус атамалар:

Ёнғин – олов ёкиш ва унинг ёниб туриши учун ажратилган махсус жойлардан ташқарида, шунингдек ўт қўйиш оқибатида, ёки махсус жойлар чегарасидан ташқарида юз берган мустақил тарқалиб кетишга қодир бўлган ва моддий зарар етказадиган назоратдан чиққан ёниш. Бу таваккалчилик доирасида суғурталанган мулкка ёнғин оқибатида олов (аланга), ёниш маҳсулотлари, қайноқ газлар, юқори ҳарорат таъсирида етказилган зарар қоплаб берилади.

Газ портлаши – газларнинг кенгайишига асосланган, қисқа вақт оралиғида чекланган ҳажмдан катта миқдордаги энергиянинг интилиб ажралиб чиқиш жараёни.

Сув туфайли шикастланиш – иситиш, канализация (сув чиқиндиси) қувурлари ёки ёнғин хавфсизлиги тизимларидаги авария туфайли сув ёки бугнинг таъсири натижасида суғурталанган мулкка зарар етказилиши, шунингдек Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) тегишли бўлган ёки тегишли бўлмаган бошқа турар жойдан (хоналардан) суюқликнинг оқиб кириши натижасида кўрилган зарар.

Табийй офатлар – зилзила (ер қимирлаши), сув тошқини, довул, бўрон, жала, дўл, шиддатли қор ёғиши, сел:

Зилзила – ер қобиғида ёки мантиянинг юқори қисмида тўсатдан силжиш ва ёрилиш натижасида юзага келадиган ва эластик тебранишлар кўринишида узок масофаларга узатиладиган, Рихтер шкаласи бўйича 5 ва ундан юқори балл кучликда бино ва иншоотларга зарар етказувчи ер юзасининг силкинишлари ва тебранишлари;

Сув тошқини – қорнинг шиддатли эриши, кўп миқдорда ёнғингарчилик бўлиши, сувни шамол ҳайдаши, музларнинг тикилиб қолиши, кўтарма (дамба) ва тўғонларнинг ёрилиб кетиши, сув ўзанининг тоғ жинслари кўчкисидан ёпилиб қолиши натижасида сув ҳавзасининг меъёрий чегараларидан тошиб чиқиши тушунилади;

Кучли шамол (довул) – тезлиги 15 м/сдан ортиқ бўлган давомли ва кучли шамол;

Бўрон – тезлиги 32 м/с дан ошадиган вайрон қилувчи куч ва сезиларли давомийликдаги шамол.

Жала – 12 соат ёки ундан камроқ вақт ичида 30 мм ёки ундан кўп қисқа муддатли юқори интенсивликдаги ёнғингарчилик;

Дўл – иссиқ мавсумда диаметри 5 мм ва ундан ортиқ бўлган зич муз зарралари кўринишидаги атмосфера ёнғингарчиликларининг суғурталанган мулкга зарар етказиши;

Шиддатли қор ёғиши – қисқа вақт ичида булутлардан узок муддатли кучли қор ёғиши (12 соат ёки ундан камроқ вақт ичида 20 мм ва ундан ортиқ қор ёғиши);

Сел – жала ва шиддатли қор эриши оқибатида тўсатдан тоғ дарёлари ўзанида лой ва тош-лой оқимининг пайдо бўлиши.

1.3. Ушбу Офертада фойдаланилган барча таърифлар Офертада улар учун белгиланган маънога эга. Ушбу Офертадаги таъриф (атама) учун маъно бўлмаган тақдирда, уларнинг маъноси Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳукукий ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

2- БЎЛИМ. СУҒУРТА СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

2.1. Ушбу Офертага кўра Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи суғурта субъектлари бўлиб ҳисобланадилар.

2.2. Мазкур суғурталаш шартларига мувофиқ Суғурта қилдирувчининг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлган, суғурталанган мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши) ёки шикастланиши таваккалчилиги билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган мулкый манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади.

3- БЎЛИМ. СУҒУРТА ТАВАККАЛЧИЛИГИ ВА СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ

3.1. Суғурта таваккалчилиги бу тахмин қилинаётган воқеа бўлиб, ушбу воқеа юз берган тақдирда мазкур Оферта ва суғурта Қоидалари шартларига мувофиқ суғурта амалга оширилади.

3.2. Ушбу Офертага мувофиқ суғурта ҳудудида ва суғурта муддатида биринчи бор қуйидаги таваккалчиликлар содир бўлиши натижасида суғурталанган мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши) ёки шикастланиши суғурта ҳодисаси деб ҳисобланади: Ёнғин, Газ портлаши, Сув туфайли шикастланиш, Табiiй офатлар: *зилзила, сув тошқини, кучли шамол (довул), бўрон, жала, дўл, шиддатли қор ёғиши, сел.*

4 БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

4.1. Ушбу Офертанинг 3.2.-бандида кўрсатилган ҳодисалар, агар улар қуйидагилар натижасида юз берган бўлса суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

а) турли кўринишдаги ҳарбий ҳаракатлар, террористик актлар, фуқаролик уруши ёки уларнинг оқибатлари, халқ ғалаёнлари, иш ташлашлар, локаутлар, ҳарбий ёки фуқаролик ҳокимиятининг кўрсатмасига биноан мулкнинг мусодара қилиниши, реквизицияси, хатланиши, йўқ қилиниши ёки шикастланиши;

б) ядро энергиясининг ҳар қандай шаклдаги таъсири;

в) Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи, Суғурта қилдирувчи билан бирга расман истиқомат қиладиган муомалага лаёқатли шахслар, шунингдек ўз номидан бўлсада, лекин Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи рухсати билан ва Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган шахсларнинг қасддан (қўпол эҳтиётсизлиги), жумладан юқоридаги шахсларнинг бирортаси томонидан суғурталанган мулкдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши (жумладан, лекин чекланмасдан: ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғиндан хавфли ёки портловчи моддалар ва буюмларни сақлаш қоидалари ва бошқалар);

Изоҳ: Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи, уларнинг оила аъзолари, қариндошлари ёки вакиллари, агар улар ўзларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) хавф туғдиришини англаб етганларида, суғурта ҳодисаси юз бериши мумкинлигини пайқаганларида ва суғурта ҳодисаси юз беришига онгли равишда йўл қўйсалар ёки унга бефарқ муносабатда бўлган бўлсалар, қасддан ҳаракат қилган деб ҳисобланадилар.

г) эксплуатациянинг доимий таъсир кўрсатувчи омиллари (емирилиш, коррозия) ва маҳаллий жойга хос бўлган иқлим ва об-ҳаво шароитининг секин-аста таъсири остида шикастланиши, агар улар Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази томонидан тасдиқланган бўлса;

д) намликнинг оддий таъсири, атроф ҳавосининг юқори ва (ёки) манфий ҳарорати (шу жумладан унинг ўзгариши)дан ҳўлланиш, ҳамда қўшни бинолардан, қурилмалардан, томлардан жала, шиддатли қор ёғиши натижасида ташқи деворларга суюқлик тушиши оқибатида уларнинг конструктив хусусиятлари бузилмаган ҳолда ташқи косметик шикастланиши;

е) механик синиш (носозлик) ёки бузилишлар, агарда улар ушбу Офертанинг 3.2.-бандида назарда тутилган ҳодисалар оқибатида ташқаридан тўсатдан ва кўзда тутилмаганда содир бўлмаган бўлса;

ж) суғурталанган мулкнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши, бижғиши, чириши ёки бошқа табiiй хусусиятлари, шунингдек бино ичидаги давомли намгарчилик таъсири натижасида моғор, пўпанак босиши орқали зарарланиши, ифлосланиши ёки чириб кетиши;

з) суғурталанган мулкда/хоналарда олов ёки иссиқлик билан ишланган тақдирда (масалан: қуришти, қайнатиш, дазмоллаш, дудлаш, қовуриш, эритиш, қуйдириш, термик ишлов бериш), суғурталанган мулкни (хонани) йиғиштириш, тозалаш ва пардозлаш ишлари;

и) очик қолдирилган деразалар, эшиклар ва олдиндан атайлаб қолдирилган ёки бино, қурилма ва иншоотлар конструкциясининг (бошқа суғурталанган мулкнинг) эскириши (чириши) ёки нуқсони натижасида ҳосил бўлган тирқишлар, шунингдек суғурта муддатининг бошланиш вақтида мавжуд бўлган гидроҳимоя нуқсонларининг ва панель оралиғидаги (блоклар) чоклар, пойдеворлар, ташқи деворлар нуқсони туфайли суғурталанган бино (мулк) ичкарасига суюқлик, шу жумладан ёмғир, қор, дўл ва лойқанинг оқиб кириши;

к) суғурталанган мулкни таъмирлаш ёки реконструкция (қайта режалаштириш) ишларининг олиб борилиши натижасида суғурталанган мулкнинг кулаб тушиши, ёрилиши ёки бошқа нуқсонларнинг пайдо бўлиши, суғурталанган мулк ҳудудида ёки унга бевосита яқин ҳудудда портлаш содир бўлиши ёки портлатиш ишларининг олиб борилиши, ердан тупроқ қазиб чиқариш, бўш чуқурларни тўлдириш, тупроқни зичлаш, тупроқ ва қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш, фойдали ер-ости бойликларини қазиб чиқариш ёки кон ишларини ташкил этишни амалга ошириш;

л) Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) томонидан авария ҳолатидаги ёки эскириб кетган сув ўтказиш, иситиш, канализация ва ёнғинга қарши тизимлардан фойдаланиш, Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) томонидан юқоридаги тизимларнинг эксплуатация меъёрий муддатларининг бузилиши ёки уларга риоя этмаслик;

м) иморат ёки унинг қисмининг кулаб тушиши, агар бундай ҳодиса суғурта ҳодисаси оқибати бўлмаса, шунингдек Суғурталовчи мажбуриятларининг кучга кириши вақтида мавжуд бўлган ва Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) маълум бўлиши лозим бўлган суғурталанган мулкнинг нуқсонлари ҳисобланмаса;

н) Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) билан бирга расман истиқомат қиладиган шахсларнинг суғурталанган мулк қулфини бузиш орқали ёки суғурталанган мулк жойида бўлган вақтида ўғрилиқ содир этилиши (босқинчилик бундан мустасно), шунингдек бу ўғрилиқ суғурта ҳодисаси юз берган вақтда ёки бевосита ундан кейин юз берса;

о) Суғурта қилдирувчига ёки Наф олувчига, уларнинг қариндошларига ёки қўл остида ишлайдиган шахсларига тегишли бўлган ёки юқоридаги шахслар ихтиёрига вақтинчалик фойдаланишга берилган транспорт воситалари, ҳайвонлар ёки учувчи мосламаларнинг суғурталанган мулкка урилиши, тўкнашиб кетиши, зарар етказиши;

п) қуя, паразитлар, термитлар ёки бошқа ҳашаротларнинг таъсири, яширин нуқсонлар, табiiй изчил

ёмонлашиши, занглаш, куруқ ёки нам ҳолда емирилиши.

4.2. Суғурталовчи қуйидагилар билан боғлиқ зарарларни тўлаб бермайди:

а) суғурталанган мулкга ер ўпирилиши, чўкиши ва ер ости сувларининг кўтарилиши натижасида етказилган зарар;

б) суғурталанмаган мулк, ҳамда учинчи шахсларнинг мол-мулки, ҳаёти ва (ёки) соғлиғига етказилган зарар;

в) ижара тўловлари тушумининг тўхтаб қолиши/тўланмаслиги, бой берилган фойда, маънавий зарар, суд ҳаражатлари, жарималар, пеня ва шу каби тўловлар;

г) давлат идоралари, банк ёки бошқа кредит ташкилотларининг кўрсатмасига биноан суғурталанган мулкнинг, жумладан кўчар мулкнинг тортиб олиниши, мусодара қилиниши, реквизицияси, хатланиши ёки йўқ қилиниши (бузиб ташланиши ва бошқалар), ҳудудни тозалаш, зарарланган мулкни ва (ёки) унинг қолдиқларини, ахлатни олиб чиқиш кетиш;

д) суғурталанган мулкдан ташқарида жойлашган қувурларни ва уларга уланган тизим ва ускуналарни таъмирлаш, жумладан режавий таъмирлаш ёки алмаштириш ҳаражатлари.

5 БЎЛИМ. МАХСУС ШАРТЛАР

5.1. Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни тасдиқлайди ва розилигини билдиради:

а) агар Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ёнгин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидалари, газдан майший шароитда фойдаланиш қоидалари, ишни олиб бориш хавфсизлиги ёки бошқа шунга ўхшаш меъёрлар бузилса, ёки, агар бундай қоида бузилишлар Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) ижозати билан амалга оширилаётган бўлса, бундай қоидабузарликлар хавф даражасини оширувчи ҳолат сифатида қараб чиқилади;

б) Суғурталовчининг талабига биноан Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) унга зарарни бартараф этиш ёки даъволар ва талабларни кўриб чиқишда, моддий зарар етказилганлиги тўғрисидаги далолатномаларни тузишда, жабрланувчилар билан келишув битимларини имзолашда, судда ва бошқа инстанцияларда қарши даъво аризалари беришда Суғурта қилдирувчининг манфаатларини ҳимоя қилишни тасдиқловчи ёзма ишончнома беришга мажбур.

6- БЎЛИМ. СУЎУРТА ПУЛИ ВА СУЎУРТА МУКОФОТИ. СУЎУРТА МУКОФОТИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Суғурта пули Суғурта шартномасида (Полисида) томонларнинг келишуви билан белгиланади, аммо суғурта шартномаси тузилган (Полис расмийлаштирилган) кунда суғурта объектининг жойлашган жойидаги суғурта (ҳақиқий) қийматидан ошиб кетмаслиги керак.

6.2. Мазкур Офертага мувофиқ белгиланган суғурта товонининг лимитлари суғурта шартномасининг (полисининг) умумий амал қилиш муддати учун суғурталанган мулк (маълум бир қисми) бўйича суғурта қопламаси шаклининг “биринчи суғурта ҳодисаси бўйича” амал қилади.

6.3. Ушбу суғурта махсулоти (суғурта шартномаси) бўйича суғурта пули, суғурта мукофоти ва франшиза Суғурталовчи томонидан **1-Иловага** мувофиқ ишлаб чиқилган миқдорларда Суғурта қилдирувчининг ихтиёрий танловига кўра белгиланади ва электрон Полис расмийлаштирилганда Суғурталовчининг (ёки унинг ҳамкорининг) расмий веб-сайтида/мобил иловасида ёки ахборот тизимида реал вақт режимида акс эттирилади.

6.4. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан тўлов тизими операторлари ёрдамида Суғурталовчининг ҳисоб-китоб ҳисобварағига бир вақтнинг ўзида пул маблағларини ўтказиш йўли билан тўланади.

7-БЎЛИМ. СУЎУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ (ПОЛИСИНИНГ) КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Суғурта шартномасининг муддати (даври) Суғурта полисида кўрсатилади ва 1 йилдан ортиқ муддатга белгиланиши мумкин эмас.

7.2. Суғурталовчининг суғурта товони бўйича мажбуриятлари, агар полисда бошқа шартлар кўзда тутилмаган бўлса, Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланган кундан бошлаб 3 (учинчи) календар кунининг соат 00:00 дан кучга киради ва суғурта муддати тугаган кун сифатида полисда кўрсатилган куннинг 24:00 гача (ҳар иккала сана инобатга олинган ҳолда) амал қилади.

7.3. Суғурта шартномасининг (полисининг) амал қилиши суғурталанган мулк билан биринчи суғурта ҳодисаси содир бўлганидан кейин бекор қилинади.

8-БЎЛИМ. СУЎУРТА ШАРТНОМАСИНИ (ПОЛИСИНИ) БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Суғурта шартномаси (полиси) томонлардан бирининг ёзма аризаси бўйича, мўлжалланаётган бекор қилиш кунидан камида 30 (ўттиз) кун аввал бу ҳақда хабар берилиши шартда, бекор қилиниши мумкин.

8.2. Суғурта шартномаси (полиси) қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

а) суғурта муддати тугаганда;

б) “Биринчи суғурта ҳодисаси бўйича” товон лимити (суғурта пули)га кўра суғурта ҳодисасини тан олиш ва суғурта товонини (суғурта пули/товон лимитини) тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда;

в) “Биринчи суғурта ҳодисаси бўйича” суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, суғурта ҳодисасини тан олмаслик тўғрисидаги қарор бундан мустасно;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, суғурта Қоидалари ва Офертада назарда тутилган бошқа ҳолларда.

8.3. Суғурта полиси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси эҳтимоли йўқолган бўлса ва суғурта таваккалчилиги суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар туфайли тўхтаган бўлса, у тузилган муддатдан олдин бекор бўлади.

8.4. Суғурта қилдирувчи суғурта полисидан 8.3.-бандда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари ҳолатлар туфайли муддатидан олдин воз кечган тақдирда Суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

9- БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Ушбу Оферта шартларига кўра Суғурта шартномаси (Полиси) амал қилиш муддати давомида:

9.1.1. Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) суғурта ҳодисаси юз берганда белгиланган тартибда суғурта товонини олиш;
- б) суғурта шартномасини (полисини) муддатидан илгари бекор қилиш;
- в) Суғурталовчидан ушбу Оферта ва суғурта Қоидалари доирасида маслаҳат олиш.

9.1.2. Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) қуйидагиларга мажбур:

а) ушбу Офертада белгиланган тартиб ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;

б) суғурталанган мулкни унинг белгиланган техник мақсадларига мувофиқ бўлмаган тарзда фойдаланиш кўзда тутилаётганда, Суғурталовчини бу ҳақда дарҳол ёзма равишда хабардор қилиш;

в) Суғурталовчига ушбу Офертага мувофиқ суғурта товонини тўлаб бериш талабини қўйиш ҳолатини юзага келтирувчи ҳодисалар юз берганда, дарҳол Офертанинг 10.1.-10.2.-бандларида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш;

г) эҳтимол тутилган зарардан қутқариб қолиш, уни камайтириш ва олдини олиш учун оқилона ва мазкур шароитда мумкин бўлган чораларни кўриш. Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) бундай чораларни кўрар экан, агар ўзига маълум қилинган бўлса, Суғурталовчининг ва масъул органларнинг кўрсатмаларига амал қилиши лозим. Зарарни камайтириш мақсадида қилинган, Суғурталовчи қоплаши лозим бўлган ҳаражатлар, агар бундай ҳаражатлар зарур бўлган бўлса ёки Суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, тегишли чоралар фойдасиз бўлиб чиқса ҳам Суғурталовчи томонидан қопланади;

д) суғурталанган мулкни таъмирлаш-тиклаш ишларини бошлашдан олдин Суғурталовчи билан мулкни кўриқдан ўтказиш вақти ва санасини келишиб олиши ҳамда ушбу Офертада назарда тутилган ва Суғурталовчига товон тўлаб беришни талаб қилиш эҳтимолини пайдо қилувчи ҳодиса юз берганда ҳар қандай таъмирлаш-тиклаш ишларини унинг ёзма розилигисиз бошламаслик. Бунда, агар Суғурта қилдирувчи таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш бўйича ёзма билдиришномаси орқали Суғурталовчини хабардор қилгандан сўнг Суғурталовчи суғурталанган мулкни кўриқдан ўтказиш ҳуқуқидан 2 (икки) иш куни давомида фойдаланмаса, Суғурта қилдирувчи суғурта қилинган мулкнинг барча зарарланган қисм (элемент)ларини фотосуратга ва видеотасвирга тушириб, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришдан олдин уларни Суғурталовчига тақдим этиши керак;

е) суғурта қилинган мулкни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган ёнғин хавфсизлиги меъёр ва қоидаларига, газдан майиш шароитда фойдаланиш қоидаларига, суғурталанган мулкдан фойдаланиш, унга техник хизмат кўрсатиш йўриқномалари(қоидалари) талабларига, суғурталанган мулкни таъмирлаш ва (ёки) профилактика ишларини амалга ошириш хавфсизлигига риоя қилиш, зарур таъмирлаш ва (ёки) профилактика ишларини ўз вақтида бажариш;

ж) суғурта ҳудудида сув ўтказиш, канализация, иситиш ва ёнғин хавфсизлиги тизимидан мувофиқ тарзда фойдаланиш, уларга ўз вақтида хизмат кўрсатилиши ва таъмирланишини таъминлаш;

з) бино, қурилма ва иншоотларда индивидуал сув билан иситиш тизимидан фойдаланишда танаффус бўлганда ҳавонинг манфий ҳароратида иситиш тизимидан сувни чиқариб (тўкиб) ташлаш;

и) Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) ва (ёки) у билан бирга расман истиқомат қиладиган шахслар йўқ вақтда суғурталанган иморатларнинг (хоналарнинг) кириш эшикларини ва барча дераза-ромларининг қулфланишини таъминлаш;

к) Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) билан бирга расман истиқомат қиладиган шахсларни суғурта Қоидаларининг талаб ва шартлари билан таништириш;

л) суғурта воқеаси юз берганда суғурталанган мулкни қаровсиз қолдирмаслик ва кейинги зарар ёки йўқотишларни олдини олувчи тегишли тадбирларни амалга ошириш;

м) Суғурталовчи ёки унинг вакилларига исталган вақтда суғурталанган мулк ва унинг барча қисм (элемент)ларини кўриқдан ўтказиш учун имконият яратиб бериш;

н) айбдор томонидан зарар қопланган бўлса, олинган суғурта товонини Суғурталовчига қайтариб бериш;

о) агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган даъво муддатлари ичида Суғурта қилдирувчини (Наф олувчини) зарарни қоплаш ҳуқуқидан қонунчиликка мувофиқ бутунлай ёки қисман маҳрум қилинишига олиб келадиган ҳолатлар аниқланса, у ҳолда Суғурталовчига олинган суғурта товонини тўлиқ ҳажмда ёки белгиланган қисмини қайтариб бериш.

9.1.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта муддати (даври) мобайнида Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ва унинг юз бериши эҳтимолидан кўрилган зарарни аниқлашга аҳамияти бор ҳолатларни билган ҳолда Суғурталовчига олдиндан нотўғри маълумотлар берганлиги аниқланганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибга кўра полисининг ҳақиқий эмас деб топилишини талаб қилиш;

б) Суғурта қилдирувчи ёки суғурта товонини олишга ҳақли бошқа шахсдан ушбу Оферта ва суғурта Қоидалари бўйича мажбуриятларининг бажаришини талаб қилиш;

в) зарарнинг юзага келиш сабаблари ва ҳолатларини мустақил равишда аниқлаш, етказилган зарар миқдорини белгилаш, шунингдек суғурта ҳодисаси аломатларига эга бўлган ҳодиса юз берганлигини тасдиқловчи, унинг сабаблари ва кўрилган зарар миқдорини белгиловчи ҳужжатлар ва маълумотларни олиш юзасидан ваколатли органларга сўровнома орқали мурожаат қилиш;

г) суғурта ҳодисаси аломатларига эга бўлган ҳодисанинг барча ҳолатларига аниқлик киритилгунга қадар шунингдек, суғурта қилинган мулкнинг шикастланиши, нобуд бўлиши ёки йўқотилиши ҳолати юзасидан мутасадди идораларга юборилган сўровларга жавоб олингунча, суд ҳукми (қарори) чиққунча ёки жинойий (маъмурий, фуқаролик) иши юзасидан иш юритишнинг тўхтатиб турилиши сабабли суғурта товонини тўлаб бериш бўйича қарор қабул қилишни кечиктириш;

д) суғурта таваккалчилигини ортишига олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида хабардор бўлганда, полис шартларига ўзгартириш киритишни ва/ёки қўшимча суғурта мукофоти тўланишини талаб қилиш;

е) қуйидаги ҳолатларда суғурта товонини тўлаб беришни рад қилиш, агар:

- Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) суғурталанган мулк ва (ёки) юз берган суғурта ҳодисаси бўйича атайлаб ёлғон ва ишончсиз маълумотлар тақдим этганда;

- Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) томонидан ушбу Оферта ва суғурта Қоидаларининг шартлари бажарилмаслиги, уларнинг бажарилмаслиги Суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси юз берганлик ҳолатини ва суғурта товонининг миқдорини аниқлаб олиш имкониятининг йўққа чиқарганда;

- ушбу Оферта, суғурта Қоидаларида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

9.1.4. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

а) суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўлангандан сўнг Суғурта қилдирувчига полис топшириш/юбориш;

б) суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) суғурта товонини ушбу Офертада кўзда тутилган тартибда ва муддатларда тўлаб бериш;

в) Суғурта қилдирувчидан олинган маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ сир тутиш ва ошкор қилмаслик.

10-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

10.1. Суғурта ҳодисаси юз берганида, Суғурта қилдирувчи ёки суғурта товонини олишга ҳақли бошқа шахс (Наф олувчи) қуйидагиларни бажаришга мажбур:

- суғурта воқеаси юз бергандан кейин дарҳол, лекин 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай, ёки унга маълум бўлган заҳоти (Суғурта қилдирувчи ва (ёки) у билан бирга истиқомат қилувчиларнинг икки кундан кўп суғурта ҳудудида бўлмаган ҳолатда) Суғурталовчини исталган ўзига қулай усул билан (полисда кўрсатилган рақамга телефон орқали қўнғироқ қилиш, электрон хат ёки мессенжерлар орқали хабар юбориш ва ҳоказо) хабардор қилиш ва 10 (ўн) календар куни ичида етказилган зарар таъсир кўрсатган сабаблар ва ҳолатларни кўрсатган ҳолда ёзма аризани (мурожаатни) юбориш;

- шароитдан келиб чиқиб дарҳол ваколатли идораларга (ИИБ, ФВВ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқ.) дарҳол хабар бериш, ҳодиса содир бўлган жойда албатта баённома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни тузиш ва (ёки) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (авария коммунал хизматига) зудлик билан хабар бериш, ҳодиса содир бўлган жойда албатта далолатнома ёки бошқа ҳужжатларни тузиш;

- зарарнинг олдини олиш ва камайтириш учун барча зарур чораларни кўриш, шунингдек Суғурталовчининг оғзаки ёки ёзма тарзда берилган тавсияларини бажариш, бу борада худди мулк суғурта қилинмаган ҳолатдагидек ҳаракат қилиш керак;

- шикаст етган суғурталанган мулкни Суғурталовчига таъмирлаш – қайта тиклаш ишлари бошлангунга қадар кўриқдан ўтказиш учун тақдим этиш. Бунда, агар Суғурталовчи шикаст етган суғурталанган мулкни кўриқдан ўтказиш ҳуқуқидан Суғурта қилдирувчининг таъмирлаш-қайта тиклаш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги ёзма билдиришномаси Суғурталовчига тақдим этилганидан сўнг 2 (икки) иш куни давомида фойдаланмаса, Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) суғурта қилинган мулкнинг барча зарарланган қисм (элемент)ларини фотосуратга ва видеотасвирга тушириб, уни таъмирлаш-тиклаш ишларининг бажарилишидан олдин Суғурталовчига тақдим этиши керак.

10.2. Суғурта қилдирувчи ёки суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс (Наф олувчи) суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши керак:

- ёзма шаклда берилган полиснинг асли ёки унинг нусхаси (агар мавжуд ёки яроқли ҳолатда бўлса);

- юз берган ҳодиса тафсилотларини текшириш ва (ёки) шикастланган мулкни кўриқдан ўтказиш ваколатига эга бўлган тегишли мутасадди органлар (ИИБ, ФВВ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқ.) томонидан берилган тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (қарор, хулоса, маълумотнома, далолатнома ва ҳк.);

- шикастланган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (кадастр ҳужжатлари, олди-сотди, қарз олиш-бериш, ижара шартномалари, чеклар, техник паспортлар ва бошқалар) нусхалари;

- баҳоловчи (пудратчи, смета) ташкилоти томонидан шикастланган мулкни тиклаш учун зарур бўлган барча ишлар, сарфланадиган материаллар рўйхати кўрсатилиб тузилган ҳисобот (баҳолаш ҳисоботи, смета, моддий зарар далолатномаси)нинг асл нусхаси;

- табиий офатлар рўй берган ҳолатларда ваколатли идоралар (Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, ФВВ ва бошқалар) томонидан берилган маълумотнома;

- жиноий иш қўзғатилган ҳолатларда – ҳодиса бўйича жиноий иш қўзғатилгани ва/ёки тўхтатилгани ва/ёки ишнинг судга оширилгани тўғрисидаги қарорнинг тергов органлари томонидан тасдиқланган нусхалари;

- Суғурталовчи талаб қилиши мумкин бўлган зарар етказилиши ҳолатини, шунингдек содир бўлган ҳодиса сабаблари ва тафсилотларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

10.3. Суғурта воқеасига тааллуқли барча ҳужжатлар ўрганилиб чиқилганидан кейин Суғурталовчи содир бўлган суғурта воқеасини суғурта ҳодисаси сифатида тан олиниши ёки олинмаслиги тўғрисида қарор чиқаради.

10.4. Содир бўлган суғурта воқеаси Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси деб топилса, етказилган зарар бўйича тўланадиган суғурта товонининг миқдори белгиланиб, суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади.

10.5. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) Суғурталовчи томонидан талаб қилинган барча зарур ҳужжатларни тақдим этган ҳолда суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги аризаси берилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай хабардор қилиниши ва рад этишнинг асослантирилган сабабларини ўз ичига олиши керак.

11-БЎЛИМ. ЗАРАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ВА СУГУРТА ТОВONINI ТЎЛАБ БЕРИШ ТАРТИБИ

11.1. Суғурта ҳодисаси оқибатида суғурталанган мулк нобуд бўлганда ёки шикастланганда зарар ва суғурта товони миқдори қуйидагича аниқланади:

а) Суғурталанган кўчмас мулкнинг конструктив элементлари бўйича:

- мулкнинг йўқотилишида (нобуд бўлишида) – қўрилган зарар миқдорида, лекин Полисда кўрсатилган суғурта пулидан (товон лимитидан) кўп бўлмаган миқдорда, келгусида фойдаланишга яроқли мулк қолдиқлари суммаси ва белгиланган шартсиз франшиза суммасини айириб ташлаган ҳолда, суғурта товони тўланади;

- мулкнинг шикастланишида (қисман йўқотилишида) – тиклаш учун сарфланадиган харажатлар миқдорида келгусида фойдаланишга яроқли мулк қолдиқлари суммаси ва шартсиз франшиза суммасини айириб ташлаган ҳолда, лекин Полисда кўрсатилган суғурта пулидан (товон лимитидан) ортиқ бўлмаган миқдорда товон тўланади.

б) Суғурталанган кўчмас мулкнинг муҳандислик-техник ускуналари ва пардозлаш элементлари бўйича: қўрилган зарар миқдорида келгусида фойдаланишга яроқли мулк қолдиқлари суммаси ва шартсиз франшиза суммаси айириб ташлангандан сўнг Полисда белгиланган товон лимитидан ортмаган ҳолда:

• пардозлаш элементлари суғурта қилинганда – конструктив элементлар учун белгиланган суғурта пулининг 10%дан кўп бўлмаган товон лимити миқдоригача;

• муҳандислик-техник ускуналар суғурта қилинганда – конструктив элементлар учун белгиланган суғурта пулининг 15%дан кўп бўлмаган товон лимити миқдоригача.

Бунда, ёнғин ёки зилзила юз берганда пардозлаш элементлари бўйича суғурта тўлови юқорида кўрсатилган пардозлаш элементлари учун ўрнатилган товон лимитларини қўлламасдан тиклашга кетган харажатлар миқдорида, лекин пардозлаш элементлари учун белгиланган товон лимитларининг икки бараваридан ва мулкнинг суғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорида белгиланади.

Суғурталанган мулк батамом нобуд бўлганда суғурта товони пардозлаш элементлари учун белгиланган лимитларни қўлламасдан конструктив элементлар учун белгиланган суғурта пули миқдори доирасида амалга оширилади.

в) Суғурталанган кўчар мулк бўйича: ушбу Офертанинг 11.1.-бандини “а” кичик бандида кўзда тутилган тартибда ва конструктив элементлар учун белгиланган суғурта пулининг 10%идан кўп бўлмаган товон лимити миқдоригача.

11.2. Тиклаш учун сарфланадиган харажатлар таркибига қуйидагилар кириди:

а) таъмирлаш (тиклаш) учун зарур бўлган материаллар ва эҳтиёт қисмлар харажатлари;

б) таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тўланадиган иш ҳаққи;

в) суғурталанган мулкни бевосита суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар бўлган ҳолатига келтириш учун зарур бошқа харажатлар.

11.3. Тиклаш учун сарфланадиган харажатлар таркибига қуйидагилар кирмайди:

а) суғурталанган мулкни қайта тўғрилаш/ўзгартириш, тузатиш, янгилаш, яхшилаш ва ўзгартириш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатлар;

б) вақтинча ёки ёрдамчи (қўшимча) таъмирлаш ёки тиклаш билан боғлиқ сарф-харажатлар;

в) барча бевосита ва билвосита солиқлар;

г) керагидан ортиқроқ қилинган бошқа харажатлар.

11.4. Суғурталовчи ушбу Офертада назарда тутилган воқеалар натижасида қўрилган зарарнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш учун мустақил баҳоловчиларни (экспертларни) жалб қилиш ҳуқуқига эга.

11.5. Кўрилган зарар миқдорини ва суғурта товони миқдорини суддан ташқари тартибда аниқлаш Суғурталовчи томонидан ваколатли органларнинг етказилган зарар ва унинг оқибатлари ҳақидаги ҳужжатлари шунингдек, харажатларни тасдиқловчи маълумотномалар, ҳисоблар ва бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Барча ҳолатларда суғурта товони миқдорини аниқлашда иштирок этиш учун Суғурта қилдирувчи тақлиф қилиниши шарт.

11.6. Суғурталовчи суғурта товони тўловини суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан сўнг 10 (ўн) банк куни ичида Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

12- БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. “KAPITAL MULK” маҳсулоти бўйича суғурта полисининг бошқа шартлари “KAPITAL MULK” суғурта маҳсулоти бўйича фуқароларга тегишли мол-мулкни суғурта қилиш Қоидалари билан белгиланади.

12.2. Ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.3. Полис ва ушбу Офертада назарда тутилган ёки улар билан боғлиқ масалалар бўйича, шу жумладан уларни бажариш ва бузиш билан боғлиқ низолар, даъволар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, томонлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

12.4. Агар томонлар музокаралар орқали тинч йўл билан келишмаса, Суғурта шартномаси (Полиси) тузилиши (расмийлаштирилиши), ўзгариши, тугатилиши, бекор бўлиши, ҳақиқий эмаслиги, тузилмаганлиги (тўлиқ ёки қисман) билан юзага келган ёки келиб чиқадиган барча низолар, келишмовчиликлар, талаблар ва даъволар Суғурталовчининг ихтиёри билан фуқаролик ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра Суғурталовчининг давлат рўйхатидан ўтказилган жойидаги суд тартибда ёхуд Ҳакамлик суди тўғрисидаги Регламентга, Ҳакамлик суди тўғрисидаги Низомга ва Ҳакамлик судида тарафларнинг ҳакамлик йиғими, харажатлари ва чиқимлари тўғрисида Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Савдо-саноат Палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида (кейинчалик Ҳакамлик суди), унинг яқка тартибда ҳал қилувчи ҳакамлик судьяси регламентига кўра ҳал этилади. Даъво аризаси билан туманлараро иқтисодий судига ёки Ҳакамлик судига мурожаат қилишни танлаш ҳуқуқи Суғурталовчида қолади.

12.5. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Томонлар ушбу Оферта ва суғурта Қоидалари доирасида электрон шаклда тузилган барча ҳужжатларнинг (ариза сўровномаси, суғурта шартномаси, суғурта полиси, ҳисоб-варақа, далолатнома, маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқ.), уларни қоғоздаги ҳужжатларга тенглаштирган, қўл билан имзоланган ва тегишли Томоннинг муҳри билан тасдиқланган, агар ушбу электрон ҳужжатлар Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра электрон ҳисоб-варақлар айланмаси тизимининг операторларидан бири (ушбу фаолият билан шуғулланиш учун рухсат олган ахборот воситачиси) томонидан қайта ишланган ва юборилган бўлса, барча ҳужжатларнинг юридик кучини келишиб оладилар ва тан оладилар.

12.6. “KAPITAL SUG'URTA” АЖнинг интернет ахборот тармоғидаги расмий сайти: www.kapitalsugurta.uz Суғурталовчининг расмий веб-сайти Суғурта қилдирувчи ва ушбу ахборот тизимининг оператори бўлган Суғурталовчи ўртасида электрон шаклда маълумотлар алмашинуви, шу жумладан суғурта шартномасини тузиш учун ариза юборишни таъминлаш, шартнома тузиш (суғурта полисини юбориш), ўзгартириш, муддатидан олдин бекор қилиш, суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисида хабар бериш, суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги аризалар, кўриб чиқиш босқичи ва натижалари тўғрисида маълумот юбориш, суғурта товони тўлови тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизими ҳисобланади.

12.7. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеалар юз берган тақдирда, полисда ёки сайтда кўрсатилган телефон орқали воқеа ҳақида хабар беришингиз ёки “KAPITAL SUG'URTA” АЖнинг энг яқин офисига (филиалига) мурожаат қилишингиз лозим.

Филиалларнинг манзиллари, телефонлари ва иш вақти Суғурталовчининг расмий веб-сайтида кўрсатилган.

Суғурталовчининг реквизитлари:

Тўлиқ номланиши:

“KAPITAL SUG'URTA” акциядорлик жамияти

2021 йил 20 январдаги СФ серия 00010-сонли

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензияси

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш.,

Мирзо Улуғбек тумани, Маҳатма Ганди кўч., 44 уй

Тел: 998 71 200 1100

Х/р: 20216000100138037001

АТБ “Kapitalbank”нинг Амалиёт бошқармаси

Банк коди: 00974 ИФУТ: 65120 СТИР: 200638670

Расмий веб-сайт: www.kapitalsugurta.uz

Электрон почта манзили: info@go.kapitalsugurta.uz

“KAPITAL MULK” СУҒУРТА МАҲСУЛОТИ БЎЙИЧА
 ФУҚАРОЛАРГА ТЕГИШЛИ МОЛ-МУЛКНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА
 ОММАВИЙ ОФЕРТАГА 1-ИЛОВА

**“KAPITAL MULK” СУҒУРТА МАҲСУЛОТИ БЎЙИЧА
 ФУҚАРОЛАРГА ТЕГИШЛИ МОЛ-МУЛКНИ СУҒУРТА ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
 СУҒУРТА ПУЛЛАРИ, ЙИЛЛИК СУҒУРТА МУКОФОТЛАРИ (ТАРИФЛАРИ) ВА ТОВОН ЛИМИТЛАРИ МИҚДОРИ**

Бино, қурилма ва иншоотларнинг конструктив қисмларини суғурта пуллари, сўм	<i>Жумладан полис амал қилиш муддатида рўй берган суғурта ҳодисаси бўйича тоvon лимитлари, сўм</i>			Шартсиз франшиза	Суғурта мукофоти (тарифи), сўм
	<i>Пардоз элементлари учун (10%)</i>	<i>Муҳандислик-техник ускуналар учун (15%)</i>	<i>Кўчар мулк учун (10%)</i>		
10 000 000,00	1 000 000,00	1 500 000,00	Суғурталанмайди	Қўлланилмайди	15 000,00 (0,150%)
20 000 000,00	2 000 000,00	3 000 000,00			20 000,00 (0,100%)
30 000 000,00	3 000 000,00	4 500 000,00			25 000,00 (0,083%)
40 000 000,00	4 000 000,00	6 000 000,00			30 000,00 (0,075%)
50 000 000,00	5 000 000,00	7 500 000,00			35 000,00 (0,070%)
60 000 000,00	6 000 000,00	9 000 000,00			40 000,00 (0,067%)
70 000 000,00	7 000 000,00	10 500 000,00			45 000,00 (0,064%)
80 000 000,00	8 000 000,00	12 000 000,00			50 000,00 (0,063%)